Тошкент цирк саҳни — Москва циркидан кейин мамлакатда иккинчи ўринда туради. У техник жиҳатдан яхши жиҳозланган ҳамда аёло сифати рақиятлар билан таъминланган, дейди «Союзосцирк» бош режиссери, Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Е. Николашвили ЭЗТАГ мухбирига.

Гурам Георгиевич, иннакамизга интернационал дошош яратиб гоис қандай пайдо бўлди.
Илл бошида «Союзосцирк» да бўлган ижодий учрашувларнинг бирида қайта қуриш ҳамда мамлакат ири коллективларини ҳўналик ҳисобига ўтказиш муаммоларини муҳоама қилдик. Халқаро ҳамкорлик ва таъриб аламини кенгайтириш зарурини тўғрисида гапирдик. Худди шу вақтда Москва социалистик мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз келипти, сўнгги йилларда яратилган ўзига хос қизиқарли номерларини кўрсатишти. Ушанда ижодий ҳамкорлик асосида миллионлаб қирғиш қиобозлари томоша қиладиган спектакль яратиш мумкин эмасмики? — деб ўйлаб қолдик.

Программа қатнашчиларини таништирсангиз. Улар цирк жанрларининг қайси бирида ўз санъатларини намойиш қиладилар?
Программа 3 соат давом этади. Унда ГДРдан келган ҳаво гимнасти Петр Рихтер, қатор халқаро конкурсларда катта совринни қўлга киритган руминиялик Августо ва Елена Пакудо, польшалик ҳайвон ўратувчилар Варбара ва Эвер Немичеклар, болгариялик дорбоз Ковидлар Группаси қатнашади. Тўғри, Болгария Халқ Республикаси артистлари тошкентликларга таниш. Улар Ўзбекистонда икки марта бўлишган, лекин бу гаг Уларнинг янги номерларини олиб келишти. Чехословакияда гимнастикачи Катерина Хованцова хашриб буюрди. Кубанин эквилибристлар Соли ва Рохо Апариско, венгриялик ҳаво акробатлари — Маванлар олласи ҳам томошабинлар ҳўзурида ўз санъатларини намойиш қиляпти. Болгариялик 4 ёшли София Петрова бу томошанин энг ёш қатнашчиларидир. У ота-она билан бирга келиб ва албатта томошабинлар ҳўзурида чикниши хоҳлайди.

Совет артистлари қаторида Ўзбекистон вақилари — қўзбоғловчи Абдулла Мўминов ва машур цирк қавандозлари сулоласидан Карима Зариповалар ҳам қатнашадилар.

Г. Николашвили томошанин бош режиссериғина эмас, айна вақтда унинг қатнашчиларидан бири ҳамдир. У ўз ўли — 20 ёшли Гая билан кулгали интермедиялар ижро этади. Гая айна вақтда жонглёрлик, масҳарабозлик ҳам қилади. Турли ўйинларда қатнашади. Гурам Георгиевичнинг 13 ёшли қизи Нато ҳам цирк саҳнида ўз кучини синиб кўрмоқда. Гурам Николашвилининг номи кўшнча томошабинларга таниш бўлса керак. У бир неча бадий фильмларда иштирок этган. «Лазарининг сарғу-заштлари» картинасида бош роллардан бирини ўйнаган. 1971 йилда телевизион фильмлар Бутуниттифоқ фестивалида бош совринга сазовор бўлган.

«Салом, интерцирк» программасини барча Эрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги цирк санъати ишқибозлари томоша қиладилар. Манеж усталари бу ердан бошқа иттифоқдош республикаларга, келаси йили эса социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига йўл оладилар.
Н. ПОЛЯНСКАЯ, ЭЗТАГ мухбири.

ОНАЖОНИМ, мени кўриясизми? «Йўқ» дейсизми? Тўғри, мен бу болалар орасида йўқман. Ахир мен ўттиздан ошдим, ўзининг ҳам худди шу дўмбоқчаларга ўхшаган бири бирдан ширин уч жигаргўшам бор. Аммо мен бу суратдаги болаларга қараб ўзимни, аниқроғи, болалигимни кўрияман. Ахир мен ҳам «Болалар уйи» деб аталмиш етимлар масканида улгайганманку. Фарқи шуки, у пайтда менга ўхшаган тирик етимлар сони жуда оз эди. Шу боисданми, билмадим, онажон, етимхоналар ёнидан ўтсам ҳам ёки ўша ерда ўсанлар билан ҳамсухбат бўлсам, ҳаттоки биргина «етим» сўзини эшитсам тамом, бир умрга хотирамда муҳрланиб қолган болалик пайтларим бирма-бир худди кино лентасидек кўз олдимдан ўтаверади, ўтаверади...

Ҳар кун аҳвол шу эди: суратда кўриб турганингиздек деразадан ёки эшик тирқишидан йўлларингизга зор-зор тикилардим. Термулаверганимдан миңжоларим қотиб қоларди. Шунда бор аламинини йиғидан олардим. Тарбиячи оламиз овутишга, қалбимдаги огринки унутишга қанчалар тиришмасин, кўзимга ҳеч нарса кўринмай қоларди.

Чунки ҳалимда Сиз, кўзларингизнинг аллақандай, мен ҳалигача тушуниб етолмаган нафрат билан боқинчи, ижирганиб болалар уйи остонасига ташлаб кетган дақиқаларингизга гавдаланади. Ушанда орқанингиздан «ойижон»лаб қақшаб қолганим, кетингиздан борай деса м оёққўлимни чандиб ташлагансиз. Сиз эса соқовдек гарансиз югуриб бораркансиз, бир марта ўгирилиб қарадингиз ва зум ўтмай гоий бўлдингиз.

Биласизми онажон, эшик тирқишидан мўралаб турган болалар нималарини ўйлашпти? Сиз билмайсиз, лекин мен бун биламан. Ахир «Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб» деб бежиз айтишмайди. Агар бу бечораларнинг тили бўлганида шундай дейишарди:

«Эсингиздами онажон, ўзининг пайдо бўлаётганимдан дарак бериб биринчи марта қимирлаб кўйганимда, Сиз чўчиб кетганингиз. Ушанда Сиз роса хурсанд бўласиз ва менга юрагингиздан иссиқ қон юборасиз, деб ўйлагандим. Лекин негадир ундай бўлмади, Аъзойи баданингизни муздедек тер босиб, қалбингизда кўрқув ва ташвиш пайдо бўлди: «Бу нима? Наҳотки бола бўлган бўлса?» дедингиз ўзингизга ўзингиз пичирлаб. Уша кун кайфиятингиз йўқ эди — омдингиз келмай, уйда ёлғиз қолганингиз. Мени эса Сизни хурсанд бўласиз деб қилган «тўполоғим» дард устига чипқон бўлди. Тўққиз ою, тўққиз кун ёруғ дунёни кўришни интиқлик билан кутдим. Орзум Сизнинг меҳрингиздан қониб-қониб симиршиб эди. Афсус, болалигимга борган эканман. Агарда бошқалар учун ёруғ дунё бўлган дунё мен учун азоб-уқубатли бўлишни билганимда эди тугилмаслигини афзал билардим. Нима учун Сизнинг бир онлик фароғатингиз, лаҳзаллик лаззатингиз учун мен умрбод қалби ўнсик бўлиб қолишим керак, онажоним? Нима учун Сизнинг дақиқалик роҳатингиз учун мен умр бўйи «етимча», «ҳароми» деб ҳанроғатланишим керак, онажоним? Жавоб бериинг, дилозорим.

Эсингиздами онажон, тунлари қорним очлигидан қақшаб-қақшаб йиғлардим. Сиз ёнгинамда ётсангиз ҳам худди эшитмаётгандек бепарво бўлардингиз. Мени эмас, бошқа бир одамни кўчоғингизга олардингиз, мени эмас, унинг сочларини силаб эркалардингиз. Баъзан ҳаҳднингиз чиқиб «Овозинг ўчқур!» деб устимга ёстиқ ташлардингиз. Мен тампаниб «мамма-мамма» дея кўнсингага қараб интилардим. Лекин етолмасдим. Каравотимиз икки кишилик эмасми, Сиз мени ўртада қийналмасин деб бўлса керак пастрга олиб кўлардингиз. Бирор марта бўлсин сийнанингиз сўтига тўймадим. Ҳар кун янги-янги «амаки»лар, «тоға»лар, «ана»-

лар келишарди. Уларнинг ҳар бирига бағрингиздан жой топиларди-ю, бироқ бу бахтдан мен маҳрум эдим. Уларнинг ҳар бирига «Қайси бири отам экан?» деб тикилардим-ю, аммо тополмасдим. Менимча, отам икки эканлигини Сиз ҳам билмасангиз керак. Бирини-бириндан хўшбичим ва нелишган йиғитлар атрофингизда худди парвонадек айланшарди. Зеро, Сиз чиройли




эдингиз. Яна бир хусусиятингиз, Сиз ўз чиройингизни кўз-кўз қилишга, кўрсата биллишга фаранг ва назокатли эдингиз. Кийинишда-ку ҳагто учна-мучна таноз ҳам Сизнинг олдингизда иш эшолмасди. Баъзан, оёқларини кўриб кўйинлар дегандек, этаги тиззанингиздан бир қорич юкори бўлган кўйлак кийдингиз. Баъзан ярим ялангоҳ кўрақларингизни селкилтлаб ноз-қарашма билан шундай қаддам ташлардингизки, қарамаганнинг ҳам бўйни қайрилиб кетарди. Баъзан шундай ҳарир кўйлак кийардингизки, гуддек баданингиздаги қора хонлигиз аниқ-таниқ кўрииниб турарди...

Нигитларни кўргангизда кўзингиздан ўт чикарди тўв, айнича унинг пулдорлигини сезсангиз. Ишва билан қарасангиз бўлди эди, кетингиздан лайчадек эргашиб келаверарди... Кейин ресторанда ўйнаб-қулиб чарчагач, бир галашиб уйга дам олгани келардингиз... «Бу тирраччалар бунақа гапларни қаёқдан билишсин? Бирор ўратган бўлса керак-да!» дерсиз. Билишарди.



Мен ҳам билардим, онажон. Ҳаммасини билардим, сезардим, ҳис этардим. Қандай қилиб билмай, ахир шундоқина юрагингиз тағида улгайган бўлсам. Йўқ, дилозорим, менга ҳам ҳеч ним гап ўратгани йўқ. Тугилмасиндан етимлигини бўйинига олиб кўйганидан кейин йил сайин эмас, эртаклардангиз кун сайин ўсаркансан. Бирор, сиз бун билмасиз. Фақат биринчи марта менинг борлигимни билиб чўчиб кетганингизда, янглишиб, шунчаки ўрнамалангизлардан кўриб кетдилар холос, деб ўйлагандим. Афсус... Энди билсам етимхона остонасида кўзларингизда нифода бўлган нафрат ўшада

пайдо бўлган экан. Шу боисдан ҳар сафар оққушдек товланиб ўтаётган келинларни кўрсам беихтиёр: «Ишқилиб сен онамга ўхшамасин, болаинг менга ўхшамасин», дейман. Баъзан кўча-қўйда, бекатларда ўзгалардан ҳеч бир уялмай-ветмай бир-бирларининг пикирига киргиларини учратсам: «Бугун шундансизлар, эртага, ўртага фарзанг тушганда қандай бўларкинсизлар?» деб ўй-



кори, қаерда ишлаши у ёқда турсин, лоақал ўзларини кимлар дунёга келтирганини ҳам билмайди. Фақат, яна орадан анча йиллар ўтгандан кейингина Дилором билан иккимиз каби тўғилчиларини олиб болаликлари ўтган жойга боришганда уларга «Исми — Бахтиёр, биш—ўнда. Истаган фамилиянгни кўйишингиз мумкин» деб ёзилган бир парча қоғозни кўрсатишлари мумкин. Шунда алам билан «Тугишга тугишсиз-ю, лоақал асли фамилиям қандай эканлигини ҳам айтмай бир парча қоғозни кўриб кетаверибсиз-да, дилозорим» дейдилар. Ва «У дунё-ю, бу дунё ижтараб-билларининг етим қилмайман» деб оинг ичдилар. Имомни комилки улар ўз отларига умрбод содиқ қоладилар. Ҳа, онажон, шундай. Зеро етимликни бошидан ўтганлардан сўранг.


Биласизми, онажон, бу суратларини кўрганамда яна нималарини ўйлайман: шу кунгача экранда уруш йилларида Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардан келтирилган ота-онасиз болаларни кўрганамизда кўзимизда ёш ҳалқаланади; қалбимиз титрайди. Чунки биз инсонларамиз. Бу ҳақда кўп гапираримиз. Шунинг учун ҳам ҳаттоки ўзини ҳимоя қила турчи ашаддий жиноятчини ўлдириб қўйган одам ҳам жазоланади. Лекин Сизга ўхшаганларга келганда эса «бола боқиб ёки боқмаслик унинг иши» деб кўя қоламиз. Жиноятқорона истагингиз қонуний равишда расмийлаштирилиб, оналик ҳуқуқидан маҳрум этиласизлар холос. Наҳотки, инсоннинг тақдирини, бахти шу билан ўлчанса? Нима учун шундай? Наҳотки бу ҳам инсонийликка кирса? Ахир ўз жигаргўшасини етимхона остонаси ёки ахлатхонага ташлаб кетиш ёхуд сувга оқиб юборишдан кўра жирканч жиноят борми оламда? Нима учун боласини тиринлайин ерга кўмаётганлар енгилгина жазоланади? Ахир бу бориб турган одамхўрлик эмасми? Ҳа, миңг афсуски, туңқалларнинг ҳаммаси ҳам ОНА бўлмас экан-да!..

Кеча болалик масанамга борган эдим. Ҳаммамиз учун туққан эмас, балки ҳақиқий онамиз бўлиб қолган шаҳар болалар уйининг бош врачаси Людмила Александровна Тянь мени бағрига босди-ю, елкалари «дир-дир» титраб йиғлаб юборди: — Мени кечир, Бахтиёр! — деди у. — Сени эмас, сенга ўхшаганларни сира кўргим келмайди. Юракларим эзилди кетади. Ўзинг биласан, ёз ойлари биз учун қанчалик оғир бўлишини... Ҳа, бун яхши биламан. Ёз ойларида етимхона остонасига ташлаб кетиладиган менга ўхшаш «ташландиқ»лар сони кескин кўпаяди. Уларни туққанлар эса Қримга ёки Кавказга «дам олгани» — тирик етимлар сонини кўпайтиришга жўнайдилар. Айни кунларда етимхонада 190 бола тарбияланмоқда. Улардан 20 нафарининг ота-онаси вафот этган, 55 нафар «ташландиқ», қолганларининг эса ота-онаси ўз фарзандларидан воз кечишган. Арчанамики, бу рақамлар кундан кун ортмоқда... Сениб турибман, онажон, анча қаттиқ гаплар гапириб дилнингизни оғиритдим. Лекин на қилади, чидаб туролмадим, дилимдаги 33 йиллик дард-алам бугун тилмига чиқди. Бунинг учун кечиринг. Оналар фарзандлари учун ҳар дақиқа жонларини фидо қилишга тайёр, дейишарди. Лекин шун яхши билингки, фарзандлар ҳам оналари учун ҳаётларини қурбон қилишга доимо тайёр. Шунинг учун ҳам Сиз мени қанчалик ўкситманг, қанчалар кўрлаган бўлманг ва мени қанчалар ёмон кўрманг берган оқ сўтингиз ҳақиқ-хурмати, уч йил бўлса ҳам боққангизни ҳақиқ-хурмати пойингизга бош қўяман. Фақат Сизни бир кўрсам, ҳеч бўлмаса бир марта дийдорингизга тўйсам деб кечазлари тўлини ойна термулиб ётман, нола қиламан».

Тирик етим ўсан ота монолоғи ёзиб олувчи: Фарруҳ РАҲИМОВ.

«ОНА ЖОНИМ, ДИЛОЗОРИМ...»

ёхуд тирик етим ўсан ота монолоғи



эдингиз. Яна бир хусусиятингиз, Сиз ўз чиройингизни кўз-кўз қилишга, кўрсата биллишга фаранг ва назокатли эдингиз. Кийинишда-ку ҳагто учна-мучна таноз ҳам Сизнинг олдингизда иш эшолмасди. Баъзан, оёқларини кўриб кўйинлар дегандек, этаги тиззанингиздан бир қорич юкори бўлган кўйлак кийдингиз. Баъзан ярим ялангоҳ кўрақларингизни селкилтлаб ноз-қарашма билан шундай қаддам ташлардингизки, қарамаганнинг ҳам бўйни қайрилиб кетарди. Баъзан шундай ҳарир кўйлак кийардингизки, гуддек баданингиздаги қора хонлигиз аниқ-таниқ кўрииниб турарди...

Мен ҳам билардим, онажон. Ҳаммасини билардим, сезардим, ҳис этардим. Қандай қилиб билмай, ахир шундоқина юрагингиз тағида улгайган бўлсам. Йўқ, дилозорим, менга ҳам ҳеч ним гап ўратгани йўқ. Тугилмасиндан етимлигини бўйинига олиб кўйганидан кейин йил сайин эмас, эртаклардангиз кун сайин ўсаркансан. Бирор, сиз бун билмасиз. Фақат биринчи марта менинг борлигимни билиб чўчиб кетганингизда, янглишиб, шунчаки ўрнамалангизлардан кўриб кетдилар холос, деб ўйлагандим. Афсус... Энди билсам етимхона остонасида кўзларингизда нифода бўлган нафрат ўшада

пайдо бўлган экан. Шу боисдан ҳар сафар оққушдек товланиб ўтаётган келинларни кўрсам беихтиёр: «Ишқилиб сен онамга ўхшамасин, болаинг менга ўхшамасин», дейман. Баъзан кўча-қўйда, бекатларда ўзгалардан ҳеч бир уялмай-ветмай бир-бирларининг пикирига киргиларини учратсам: «Бугун шундансизлар, эртага, ўртага фарзанг тушганда қандай бўларкинсизлар?» деб ўй-

ЛОҚАЙЛИК ОҚИБАТИ
Оидорларга қарашли коровулли хизмат ходимларининг бепарволиги, лоқайлиги қатор ўғирликларнинг содир бўлишига олиб келди. Жумладан, яқинда номаълум шахслар Киров район ошхоналар-трестига қарашли 6-ошхонага эшигини бузиб қиршиган ва 183 сўмлик оэмқ-оқат маҳсулотларини ўғирлаб кетишган.
1-Тошкент монтаж бошқармасининг ишчилари эрта билан қурувчилар вагончасини очиб, кўришли пистолети ва унинг 500 ўқи ўғирланганини аниқладилар.
ҚИҲИР ИШИНИНГ ҚИЙИГИ
Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ёлғон хабар берганили учун жавобгарликни маъналадан ашу кодекснинг 160-моддасида: «Жиноят иши қўзғатиш мақсадида бирор жино-

ят содир этилган деб била турки ёлғон хабар бериш — икки йилга мудағта оозодликдан маҳрум қилиш билан жазаланади» дейилади.
Шунга қарамай ўз «обрў-яйини» сақлаш учун ана шундай нолюқ хатти-қаратиларга йўл қўювчилар уқраб турибди. Масалан, Тошкент Давлат университетининг иккинчи илдий ходими А. Раҳимов: Корасув кўприги яқинида икки номаълум киши мени дўпполаб, 230 сўм пулим ва кўп-трамининг қалитини олиб қўйдди, деб хабар қилган эди.
Милиция ходимлари муҳим ишларни ўлада-қўлда қолдириб, хавфли жиноят — босқинчиликни фож этишга киришдилар. Аммо уларнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Сабаби ҳеч қандай жиноят содир бўлмаган экан. А. Раҳимов ичдида 230 сўм пули

бўлган паспортини йўқотиб қўйиб, бун яшириш мақсадида милицияга мурожаат қилган экан.
Бошқа бир олдй ўқув муассасасининг ходими Ф. Норматов милицияга ёлғон хабар беришга қоламай, воқеа содир бўлган ерда жабрланганларни қолдириб гоийб бўлган. У 18—96 ТНЧ номерли «Москвич-412» машинасини бошқарайтиб, тўхтаб турган 68—75 ТН номерли «ВАЗ-2105» машинасига олиб бориб урган. Д. Пинхасов бошқарайтиб «Жигули» машинаси ўз навбатида олдинда турган 40—55 ТНЖ номерли «ЗИЛ-130» машинасига бориб урилган. Йўл-транспорт фалокати оқибатида Д. Пинхасов ва унинг машинасидан пассажир аён тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилган. Тўс-тўполондан фойдаланган Ф.

Норматов сўвдан қуруқ чикми мақсадида орадан бир соат ўтгач, ўз машинасини олиб қочқилди, деб хабар қилган.
А. Раҳимов (Тошкент Давлат университетини) ва Ф. Норматовнинг (Тошкент ирригация ва қишлоқ ўрналигини механизациялаш инжениерлари институтини) қилмышларига меҳнат коллективлари қандай баҳо беришар экан, деган савол туғилади.
МАШИНА УҒРИЛАРИ УШЛАНДИ
Тошкент шаҳар Совети икковчи комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси йўл-соқчилик инспектори А. Худойбердиев йўл чекмасидан бетон тўсиқ устига чиқиб кетган «ВАЗ-21011» автомашинасига зътбор берди. Машинани Ўзбекистон давлат филармония-

сининг саҳна машинисти Е. Зағребин ва Совет Армияси сафарда демократизация қилинган В. Фадеев бошқаришгаган эди. Маълум бўлишича улар машинани эгаси В. Ларининг аксарияти ўт билан, электр приборлари билан нотўғри муносабатда бўлиш, болларининг шўхлиги туғайли содир бўлган. Жумладан, 23 июль кун эрталаб Қўзғил қўрғон кўчасидан 38-ўйда ёнги чикқалини ҳақида хабар олинди. Орадан 19 минут ўтгач ёнги учирди. Аммо ёнги кўпгина уй жиҳозларини, мол-мулкни кулга айлантди. Ёнгиндан қирқилган зарар 3,700 сўмни ташкил этди. Ёнги электр тармоғига уланган дэз-молнинг унутиб қолдирилганлиги оқибатида келиб чиққан.
КВАРТИРАЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ СОҚЧИЛАРИ
Қвартиралардаги ўғирликлар олдин олишнинг энг самарали кўрииниш марказлашган қоровуллик туғилар хизматидан фойдаланишдир. Бунга қўйидаги амиллардан ишонч ҳосил қилса бўлади:
— 18 июль соат 15 дан 49 минут ўтганда Акмал Миромов район ички ишлар бўлими ҳўзуридаги идорадан ташқари қоровуллик бўлимининг марказлашган қоровуллик пултига 13-қаватда жойлашган қвартирадан ташвишли сигнал олинди. Шошилинч равишда қўрилган дадил ҳаракатлар на-

ВА ЭЪЛОНЛАР
Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛИГИНИНГ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИЛАРИ 1988-1989 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

22-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

— замонавий кийимларни моделлаштириш малакасига эга эркаклар, аёллар, болалар кийим-кечаклари тикувчилари.

Ўқиш муддати: 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 10-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 1 йил.

— аёллар ва болаларнинг енгил кўйлақларини тайёрлаш бўйича тикувчи-мотористка.

Ўқиш муддати: 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 10-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 6 ой (мазмун ихтисосини бўйича ўқув-ишлаб чиқариш номбинатида таълим олганлар учун); эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини тикувчи-мотористка.

Ўқиш муддати: 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 2 йил (кечки мактабларнинг 9 ва 10-синфлари кўлида ўрта маълумот олиш билан бирга);

— тикувчилик ишлаб чиқариш контроллери.

Ўқиш муддати — 10-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 1 йил.

Ўқишга Совет Армияси сафарларида ўз хизмат бурчинини ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинади, уларга 70 сўм стипендия берилади.

Ўқишга Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 8-10 синфларини тамомлаган ўқувчилар ҳам қабул қилинади.

3 йиллик таълим программаси бўйича билим юртини тамомлаганларга касб эгаллагандиги ва тулиқ ўрта маълумот олгандиги ҳақида диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар ўқиш даврида бепул форма ва 2 маҳал овуқат билан, 10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар ейига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

6 ойлик таълим гуруҳлари ўқувчиларига 70 сўм стипендия тўланади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказиладиган практика даврида ўқувчиларга улар ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти берилади.

Таълим даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртига Тошкент шаҳрида пропискада турувчи кишилар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш шарт: паспорт ёки туристлик ҳақидаги гувоҳнома, маълумот ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойида, ота-онанинг ишончасидан, медицина справкालари, 6 дона фотосурат (3x4 см. ҳажмида).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг территорияси (2, 9, 17, 24, 51, 60, 72, 89, 57, 65, 156-автобуслар; 2, 3, 22, 25, 28, 16, 29-трамвайлар; 14, 21 троллейбусларнинг «Олой бозори» бекати).



22-ўрта хунар-техника билим юртининг филиали — Мавзу кўчаси, 136-уй, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалнинг территориясида (10, 88, 43, 70, 102-автобуслар; 27-трамвайлар «Шимолӣ Олмазор» бекати). Телефонлар: 35-62-41 ёки 48-62-06; ички телефон: 2-62 ёки 1-62.

ТОШКЕНТДАГИ 45-ТУҚИМАЧИЛИК УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТУҚУВЧИ, ЙИГИРУВЧИ КАСБЛАРИНИ УРГАНИШ УЧУН ҚИЗЛАРНИ ЎҚИШГА ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқишга кириш имтиҳонларисиз, суҳбатлашши йўли билан қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганларга шинам ва қулай ётоқхонадан жой берилади.

Билим юрти зори малакада тўқувчи касбини эгаллаб чиқиш нафолатини беради. 10-синфин битирган ўқувчилар касб эгаллаб чиқиш учун 1 йил ўқишади, уларга 70 сўм стипендия тўланади.

9-синфин битирган ўқувчилар 2 йил ўқиш касб эгаллаб чиқиш билан бирга тулиқ ўрта маълумот ҳам оладилар ва ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар.

8-синфин битирган ўқувчилар 3 йил ўқиш касб ўрганиш билан бирга тулиқ ўрта маълумот олиб чиқадилар ва ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШГУЛОТЛАР 1 СЕНТЯВРДАН БОШЛАНАДИ. Ёшларнинг эркин ижод қилиши ва маънавий намолатга етиши, ҳаётда ўз ўрнини топа билишига нафолат берилди.

Билим юртига киришни хоҳловчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, маълумот ҳақидаги ҳужжат; характеристика, медицина справкиси (ўқув юртига кирувчилар учун мўлжалланган форма бўйича), 8 дона фотосурат ва агар 16 ёшга тўлган бўлса паспорт шахсан кўрсатилди.

ЙИГИТЛАРНИ БИРИНЧИ БОР ЎҚИШГА ТАҚЛИФ ҚИЛАМИЗ! Билим юртида Тошкент шаҳрида яшаб турган йигитлар учун тўқувчилар ва йигирувчилар экспериментал гуруҳлари ташкил қилинган.

Қабул шартлари — юқорида қайд қилингандек. Билим юрти адрес: 700070, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, 2-Охунбоев кўчаси, 68-уй (54, 57, 58, 98-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 3, 13, 16-троллейбусларнинг «Киров номли парк» бекати). Телефонлар: 55-78-28, 55-78-30.

Ҳар кун, яшанбадан ташқари соат 9 дан 16.00 гача, шанба кунлари соат 9 дан 14.00 гача билим юртининг касб танлаш кабинетига консултация олиш мумкин.

TOHKENT OKHOMI «Тошкент оқшоми» «Вечерний Ташкент» — орган Ташкентского горнома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Унинг спорт биографияси шунчалар кенги, бир суҳбатнинг ўзида ҳаммаси ҳақида гаплашиш жуда мушкул. Уни таъинириш зарурати туғилган экан, қисқача шундай дейиш мумкин: ССРР халқларининг VIII ва IX Ёғиз спартакнадаси галиби, бир неча қарра мамлакат чемпиони, Жаҳон ва Европа биринчиликлари қатнашчиси, Халқаро мусобақалар — Аргентина, Бразилия, Италия ва СССРда ўтказилган йирик турнирлар совриндори, III Бутунитта-фоқ Ёшлар ўйинлари ва республиканинг бир неча марта чемпиони, халқаро классдаги ССРР спорт мастери Венера ЗАРИПОВА. У яна В. И. Ленин номидagi Тошкент Давлат университети юридик факультетининг бешинчи курс студенти ҳамдир.

Залда енгил музика садолари янграйди. Унга экин турли ёшдаги қизлар машқ қилишад. Гимнастикчалар ус този Ирина Александровна Венера бир четда ўтирибди. Унинг жарангдор овози гоҳи-гоҳида янграб қолади: «Элчилроқ ҳаракат қил, «Ўзингни эркин тут. Мен ҳам машқларини завқ билан кузатаман. Ирина Александровна мен томонга ўқирлиб имо қилади: «Сизлар бемалол гаплашаверинглар. Мен кейин...»

— Венера, сиз бадий гимнастикага қандай келиб қолгансиз? Яъни азалдан қизиқиб юрмиб яки тасодифан!.

— Тушундим. Менда гимнастикага қизиқиб азалдан бор эди. Шун ҳам айтиб қўяйки, оиламиз — спортчилар оиласи. Катта олам Закира замонавий бешкурш бўйича мастерликка номзод, акчалари — Аравис кураш, Ровил эса бокс билан шуғулланишган. Кичик олам — Сокина спорт гимнастикасидан мастерликка номзод нормативини бажарган. Хуллас, хонадонимизда спортчилар етарли бўлган учун ота-онам менинг — кенжатайнинг музикачи бўлишини исташарди. Шу мақсадда музика мактабига беришганди. Унгача гимнастика билан озагина шуғулланганман. Музикани севаман, лекин эс хушим барибир гимнастикада эди. Бир кун қизиқиб спорт залига бориб қолдим. Тренер кўриб қолиб, шуғулланганимни истасаним, деб қолди. Бошим осмонга етиб галига хул дедим. Кейин мунтазам каттай бошладим. Шундай қилиб музикага ажратилган вақт спортга кета бошлади.

— Бу ишнингизни уйдагилар қандай қабул қилишди!

— Анчагача айтмадим. Бир кун билки қонилларига ақлим етарди, аммо оғиз очишга юрагим дов бермасди. Барибир вақти келиб «сир» очилди. «Музика машгулотларига нега бормаясан» деб сўраб қолдишди. Бундан бўён бадий гимнастика билан шуғулланмоқчиман, дея жавоб бердим. «Йўқ, музикани ўрганасан», дейишди, мен эса «гимнастикага қатнайма», дедим. Хуллас улар алдаб кўришди, кўрkitишди, фойдасиз бўлмади. Айтганимда туриб олдим. Охири мени бу йўлдан энди қайтариб бўлмастлигини сезишди чоги, зўра рухсат беришди. Ишқилиб, спортчи бўлишим осон бўлмаган. Уларни ранжитсамда, бошқа иложи йўқ эди. Кейин кечириб юборишди.

— Айтаяйки, сиз яшаган жойда бадий гимнастика секцияси бўлмаган ёки шунча спорт тури борлигидан боғалик да хабардор бўлмагансиз. Унда спортнинг қайси тури билан шуғулланган бўлардингиз!

— Билмадим. Лекин фигурали учини, синхрон сузишни, баскетболини ёқтирмаман. Эҳтимол шулардан бири билан шуғулланган бўлардим. Ва яна шайбали хоккейни ҳам соатлаб томоша қиламан. Биласизми, хоккейчилар қанчалар кўп меҳнат қилишади. Доворак, жасурлар ўйини.

— Демак, сиз ёқтирган ўйинчилар ҳам бор...

— Албатта, Фетисов ва Макаров. ТРЕНЕР ХИЖОЯСИ: Венера спортнинг бошқа тури билан машгул бўлганда қандай натижаларга эришишини билмадим, аммо у бадий гимнастика учун туғилган. Унинг биринчи ютуғи меҳнат-севарлиги, ўз устида тинмай ишлаши. У Ўзбекистон тарма номандасининг ўн йилдан бўён доимий аъзоси, мамлакат тарма номандаси ветерани.

Бир пайтлар у ҳам спортни йиғиштирмоқчи эди, тушунтирдим. Хали кўп нафи тегишини айтдим. Кўнди. Яна бир неча йирик мусобақалар галиби бўлди. У ёшларга хар томонлама ўрнак, бунинг ўзи бўлмайди. Бу ёшда кўп қизлар «арилар»ни бўйнига олиб лентани йиғиштиришади.

— Сиз иштирок этган турнирларнинг эки қийини...

— СССР халқларининг VIII Ёғиз спартакнадаси. Ундан сал олдин белим қилиб, оғвим синганди. Оғвим гипсда, мусобақада қатнашиш-қатнашмаслигим номалўм. Кўпчилики Венера гилмаге қайтиб чиқмаса керак деб ўйларди. Гипсдан қутилишим билан тинмай машқ қилардим. Кечаси, кундузи залдан чиқмасдим. Бадий гимнастика спортининг энг сермашқат турларидан. Оқдйғини бир элемент кўнгилдагидек қилмаса ўн марта, йигирма марта лаб қайтарасан. Хуллас, спартакнадада қатнашадиган бўлдим. Галибилик учун кураш бошладим. Оғвим тўла тузалмаган эди, эркирараб азоб бера бошлади. Кўзларимдан ёш чиқса ҳам чидасим шерт эди. Чидамасам кейин ўзимни кечиролмасдим. Айниқса, сўғи кунни оғрик мени эди.

— Аргентинада ўзинг хос соврин ҳам олган экансиз...

— Ҳа, бу 1986 йилда бўлганди. Биз йирик халқаро турнирга борсак санъаткорлар, спортчилар, хуллас, турли соҳа вакиллари бу давлатда меҳмон бўлиб туришган экан. Ушунда «Фестиваль» малакисини соврини тасвир этлди. Мен бил ГДРлик қизиқчи финалга чиқдик ва жюри ҳайъатининг қарори билан бирин-

чи мукофотга сазовор бўлдим. Яъни, «Фестиваль» малакисини.

— Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларини кўрдик. Шулардан қай бири сизга маъқул бўлган!

— Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси. Ушбу давлатларда тартиб, интизом жуда кучли. Узаро ҳурмат маданияти ҳам аъло даражада. Бахшлавчулар босқинлик билан оқилна ҳал этиладди. Яна бир яхши томони—ёшу қари спортни бирдек севади. Югуратган, сузатган, тўп ўйнаётган кексаларни жуда кўп учратдим.

— Айтингчи, ҳеч йиғлаганмисиз!

— Йиғлаганман. Раҳбарлар менга нисбатан ёмон муносабатда бўлишганда, совуқ ва беписанд муомала қилишганда, ноҳақликларда йиғлаганман. Ҳолдан тойгунча тинмай машқ қилсангиз, кимлардир сени четлашса, қадрининг ерга уриша алам қиларкан. Шунча пайтларда қиз боланинг кучи кўпроқ кўз ёшларига етеди.

—Йигит қишдаги қайси хислатларни қадрайсиз ва нималарни ёқтирмайсиз!

— Мардликни, меҳрибонликни. Эркакка ориятни. Ёқтирмайдиганим — эркак номига муносиб бўлолмаганлар, кўрқоқлар.

—Ҳадемай юристлик дипломини қўлга оласиз. У ёғи иш, ташвиш, кейин оила...

— Тушундим. Спорт нима бўлади, демократисиз, шундайми? Истаган — имкониет қидиради, дейишади. Спорт элини ҳеч қачон тарк этмайман. Ярим ставкага бўлса ҳам тренерлик қиламан. ТРЕНЕР ХИЖОЯСИ: Венера табииатин, ҳайвонот оламини севади. Бир йили Шри Ланкага катта мусобақага борагандик. Дам оладиган кунимиз делегациямизни ҳайвонот боғига тақлиф эттидик. Бордик. У ер ноҳайвонларга бой экан, Илон ўянатувчининг томошаларини кўрдик. У уч метр нелади, ган бўйма илонни бўйнига айлантириб турли номерлар намойиш этарди. Бир пайт қарасам Венера унинг олдига бориб қолди. Имомшога билан илонни бериб туришини сўради. Уянатувчи кўнмади. Меҳмонга, унинг хавфли маҳлуқ эканини тушунтирди. Яна илтимос қилди ва кўнмади. Мен эса нукул ичирмаган. «Венера,орангча қайт, қайт депляман». Кўрувданда юз-кўзини қўлларим билан тўсиб олганман. Юрак ютиб панжаларим орасидан қарасам —илон Венеранинг бўйнида. Эгаси қайтиб олгунча қай аҳволда бўлганимни фақат ўзим билмаман. Бу қиз шунча «томоша»лар ҳам кўрсатган.

—Ушунда кўримадингизми!

—Бошида сесканмай қўлга олдим. Ургатувчи илоннинг бўйнидан маҳкам ушлашнинг қайта-қайта ўқидим. Айтганидек қилиб олдим. Бўйинимга чирмашиб қаттиқ қиса бошлаганда юрегим орқага тортиб кетди. Фақат бўйини маҳкам ушлаш керак экан.

—Бадий гимнастикани нима учун севайсиз!

—Билмадим... Бор гўзаллиги учун бўлса керак. Гимнастика ҳаётим қўшғини.

—Устозингиз Ирина Александровна ҳақида ҳам икки оғиз...

—У киши менга ўн йилдан бўён тренерлик қилдилар. Меҳрибон, ширинсўз, шу билан бирга қаттиққўл, талабчан. Унда бир қобилият бор. «Йилт» этган истеъдодни дарров пайқай олади. Ҳар бир ишни чуқур мулоҳаза юритиб қилади. Унга шогирд бўлганимдан курсандиман.

—Бўш вақтингизда севган машгулотингиз!

— Бўш вақтимда китоб ўқийман, шезр машқ қиламан, уйга қарайман. Тез-тез сайрга чиқмаман. Тенгдошларимдан фарқли ўлароқ шарқ куйларини ёқтирмаман. Шерали Жўраванинг қўшқилари жону-таним. У нафақат республикамизда, ҳатто чет элларда эъзозлашларини кўриб лол қолганман.

—Таниқли бўлиш қийин эмасми!

—Йўқ, нега энди. Кўча-кўйда ҳамма ҳам танийвермайди. Таниқилар эса бир қараб қўйишади. Жилмайишади, сиз ҳам жилмаясиз. Университетда эса бироз қийин. Ҳамма «Ана, Венера Зарипова» деб қўли билан кўрсатади.

—Оқшомчиларга тиланингиз.

—Қалблари доим шодликка тўлиб юрсин. Киши шод юрса, демеак ҳаммаси кўнгилдагидек—уйи тинч, саломадлиги жойида, иши яхши бўлади.

—Раҳмат.

Суҳбатни Равайн БОБОМУҲАМЕДОВ олиб борди.

Кўнди. Минг бир азобда спартакнада чемпиони бўлгандим.

— Бадий гимнастика ҳам спорт, ҳам санъат. Ҳар бир юртада унинг илоси манди кўп. Фақат ўзбек қизлари орасида бу кеин тарқалмагандай кўрнадди менга...

— Ҳаммаси ота-онга боғлиқ. Улар қизининг истагини вақтида пайқаб, ёки ўзлари шунга муҳаббат уйғотсалар ўзбек қизларидан ҳам гимнастикчилар кўпаярди. Лекин, бу билан йўқ экан деб тушунмаслик даркор. Яхшигина истеъдодлилари ҳам бор. Масалан, А. Бобонова, С. Фозилова, З. Мамажонова, О. Абдурахимова, Ф. Абдурахимова... Ажаб эмас, эрта-инди уларнинг номлари халқаро майдонда кўрсина.

Буни дадил айтётганим сабаби шарқ қизларида қандайдир ўзгача нафислик бор. Улар музикани ҳиссиёт билан, яхши



«Хурматли редакция! Биз бадий гимнастика билан жуда қизиқамиз. Спортнинг ана шу тури бўйича мамлакат чемпиони Венера Зарипова ҳақида мақола беришингизни илтимос қиламиз». Ф. Абдуқодиров, И. Абдуллаева, Қ. Зайниддинов, М. Қосимова, Ш. Ҳамроева ва бошқалар.

НОЗИК САНЪАТ СЕҲРИ



қилди. Минг бир азобда спартакнада чемпиони бўлгандим.

— Бадий гимнастика ҳам спорт, ҳам санъат. Ҳар бир юртада унинг илоси манди кўп. Фақат ўзбек қизлари орасида бу кеин тарқалмагандай кўрнадди менга...

— Ҳаммаси ота-онга боғлиқ. Улар қизининг истагини вақтида пайқаб, ёки ўзлари шунга муҳаббат уйғотсалар ўзбек қизларидан ҳам гимнастикчилар кўпаярди. Лекин, бу билан йўқ экан деб тушунмаслик даркор. Яхшигина истеъдодлилари ҳам бор. Масалан, А. Бобонова, С. Фозилова, З. Мамажонова, О. Абдурахимова, Ф. Абдурахимова... Ажаб эмас, эрта-инди уларнинг номлари халқаро майдонда кўрсина.

Буни дадил айтётганим сабаби шарқ қизларида қандайдир ўзгача нафислик бор. Улар музикани ҳиссиёт билан, яхши

чи мукофотга сазовор бўлдим. Яъни, «Фестиваль» малакисини.

— Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларини кўрдик. Шулардан қай бири сизга маъқул бўлган!

— Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси. Ушбу давлатларда тартиб, интизом жуда кучли. Узаро ҳурмат маданияти ҳам аъло даражада. Бахшлавчулар босқинлик билан оқилна ҳал этиладди. Яна бир яхши томони—ёшу қари спортни бирдек севади. Югуратган, сузатган, тўп ўйнаётган кексаларни жуда кўп учратдим.

— Айтингчи, ҳеч йиғлаганмисиз!

— Йиғлаганман. Раҳбарлар менга нисбатан ёмон муносабатда бўлишганда, совуқ ва беписанд муомала қилишганда, ноҳақликларда йиғлаганман. Ҳолдан тойгунча тинмай машқ қилсангиз, кимлардир сени четлашса, қадрининг ерга уриша алам қиларкан. Шунча пайтларда қиз боланинг кучи кўпроқ кўз ёшларига етеди.

—Йигит қишдаги қайси хислатларни қадрайсиз ва нималарни ёқтирмайсиз!

— Мардликни, меҳрибонликни. Эркакка ориятни. Ёқтирмайдиганим — эркак номига муносиб бўлолмаганлар, кўрқоқлар.

—Ҳадемай юристлик дипломини қўлга оласиз. У ёғи иш, ташвиш, кейин оила...

— Тушундим. Спорт нима бўлади, демократисиз, шундайми? Истаган — имкониет қидиради, дейишади. Спорт элини ҳеч қачон тарк этмайман. Ярим ставкага бўлса ҳам тренерлик қиламан. ТРЕНЕР ХИЖОЯСИ: Венера табииатин, ҳайвонот оламини севади. Бир йили Шри Ланкага катта мусобақага борагандик. Дам оладиган кунимиз делегациямизни ҳайвонот боғига тақлиф эттидик. Бордик. У ер ноҳайвонларга бой экан, Илон ўянатувчининг томошаларини кўрдик. У уч метр нелади, ган бўйма илонни бўйнига айлантириб турли номерлар намойиш этарди. Бир пайт қарасам Венера унинг олдига бориб қолди. Имомшога билан илонни бериб туришини сўради. Уянатувчи кўнмади. Меҳмонга, унинг хавфли маҳлуқ эканини тушунтирди. Яна илтимос қилди ва кўнмади. Мен эса нукул ичирмаган. «Венера,орангча қайт, қайт депляман». Кўрувданда юз-кўзини қўлларим билан тўсиб олганман. Юрак ютиб панжаларим орасидан қарасам —илон Венеранинг бўйнида. Эгаси қайтиб олгунча қай аҳволда бўлганимни фақат ўзим билмаман. Бу қиз шунча «томоша»лар ҳам кўрсатган.

—Ушунда кўримадингизми!

—Бошида сесканмай қўлга олдим. Ургатувчи илоннинг бўйнидан маҳкам ушлашнинг қайта-қайта ўқидим. Айтганидек қилиб олдим. Бўйинимга чирмашиб қаттиқ қиса бошлаганда юрегим орқага тортиб кетди. Фақат бўйини маҳкам ушлаш керак экан.

—Бадий гимнастикани нима учун севайсиз!

—Билмадим... Бор гўзаллиги учун бўлса керак. Гимнастика ҳаётим қўшғини.

—Устозингиз Ирина Александровна ҳақида ҳам икки оғиз...

—У киши менга ўн йилдан бўён тренерлик қилдилар. Меҳрибон, ширинсўз, шу билан бирга қаттиққўл, талабчан. Унда бир қобилият бор. «Йилт» этган истеъдодни дарров пайқай олади. Ҳар бир ишни чуқур мулоҳаза юритиб қилади. Унга шогирд бўлганимдан курсандиман.

—Бўш вақтингизда севган машгулотингиз!

— Бўш вақтимда китоб ўқийман, шезр машқ қиламан, уйга қарайман. Тез-тез сайрга чиқмаман. Тенгдошларимдан фарқли ўлароқ шарқ куйларини ёқтирмаман. Шерали Жўраванинг қўшқилари жону-таним. У нафақат республикамизда, ҳатто чет элларда эъзозлашларини кўриб лол қолганман.

—Таниқли бўлиш қийин эмасми!

—Йўқ, нега энди. Кўча-кўйда ҳамма ҳам танийвермайди. Таниқилар эса бир қараб қўйишади. Жилмайишади, сиз ҳам жилмаясиз. Университетда эса бироз қийин. Ҳамма «Ана, Венера Зарипова» деб қўли билан кўрсатади.

—Оқшомчиларга тиланингиз.

—Қалблари доим шодликка тўлиб юрсин. Киши шод юрса, демеак ҳаммаси кўнгилдагидек—уйи тинч, саломадлиги жойида, иши яхши бўлади.

—Раҳмат.

Суҳбатни Равайн БОБОМУҲАМЕДОВ олиб борди.

Кўнди. Минг бир азобда спартакнада чемпиони бўлгандим.

— Бадий гимнастика ҳам спорт, ҳам санъат. Ҳар бир юртада унинг илоси манди кўп. Фақат ўзбек қизлари орасида бу кеин тарқалмагандай кўрнадди менга...

— Ҳаммаси ота-онга боғлиқ